

ОҚСИЛГА БОЙ ОЗУҚА КОНЦЕНТРАТИНИНГ ПАРРАНДАЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Д. Бўриев, А. Собирхонов, Г. Жўраева, О.И. Раджабов

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Паррандачилик чорвачиликнинг асосий соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини парҳез гўшти ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради [1]. Паррандаларни озиқлантириш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг озуқа рационлари ишлаб чиқилган. Парранда озуқа рациондаги оқсилнинг ўртача миқдори организмдаги ёғ ва оқсилларнинг парчаланишини секинлаштирса, ҳаддан ташқари паст миқдорда эса уларнинг парчаланишини тезлаштиради [2]. Бугунги кунда, амалиётда паррандалар рациондаги етишмаётган оқсил моддаларни тўлдириш мақсадида суяк уни, балиқ уни, қушхонадаги чиқиндилар ва бошқа қайта ишланмаган ҳайвон органларидан фойдаланмоқда. Бунинг натижасида, берилаётган бу каби маҳсулотлар гарчи паррандаларнинг тухум маҳсулдорлигига ижобий таъсири бўлса-да, ветеринария – санитария жиҳатидан паррандаларнинг овқат ҳазм қилиш органларига зарарли микрофлоралар олиб киради, натижада нафақат паррандаларни балки парранда тухумларини ҳам зарарлантириши мумкин [3]. Шунинг учун парранда рационини ҳайвонлардан олинган хавфсиз ва сифатли оқсиллар билан бойитиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларимиз натижасида, қорамол терисидан ажратиб олинган оқсил асосида олинган озуқа концентрати олинди ва олинган озуқа концентратининг паррандалар ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, назоратдаги озуқа рациондаги соя шроти тўлиқ озуқа концентратига алмаштирилганда парранда оғирлигининг 8,33% ошганлиги кузатилди. Оқсил концентратларини паррандаларнинг тухум маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларда, назоратга нисбатан

30% ошганлиги кузатилди. Олинган ушбу натижалар озуқа концентрати сифатида олинган ҳайвон оксиленинг самарадорлигини яна бир бор исботлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Р.Рузиев, А.Рахимов, П.Рахматуллаев, Х.Нармухамедов, К.Хидиров, А.Комилов Парранда боқиш бўйича услубий қўлланма // Тошкент-2019. 32 б.
2. Буриев Д.А., Атажанов А.Ю., Раджабов О.И., Тураев А.С. Перспективы эффективного использования белкового природного сырья // “Актуальные проблемы химии и технологии биологически активных веществ на основе природных соединений” Ташкент, 2022. 29-30.
3. Буриев Д.А., Атажанов А.Ю., Раджабов О.И. Источники сырья с богатым животным белком // “Биоорганик кимё долзарб муаммолари” Наманган, 2022. 84-85.